



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 16 сентябрь, № 182 (4592)

Сешанба

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 12 июнда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2008 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар) **49-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Химоячи гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунида белгиланган тартибда химоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахслар. Ишда химоячилар сифатида адвокатлар иштирок этишлари мумкин. Адвокатнинг ишда иштирок этишига адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари билан бир қаторда химоячи сифатида иштирок этишига гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосномаси бўйича суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суд ажрими билан йўл қўйилиши мумкин.

Химоячининг ишда иштирок этишига фуқарога айблов эълон қилинган вақтдан бошлаб ёки у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор эълон қилинган пайтдан ёхуд у ушланган пайтдан бошлаб ружат этилади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

### Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 15 сентябрь  
№ УРҚ — 178

### Австралиянинг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва Мухтор элчиси (қароргоҳи Москва шаҳрида жойлашган) **Маргарет Туми** хоним юртимизда меҳмон бўлди.

## Ўзбекистон — Австралия: МАСОФАЛАР ТОБОРА ЯҚИНЛАШМОҚДА

Ташриф доирасида австралиялик дипломат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, **Дунё нигоҳи** «Ўзбектуризм» миллий компаниясида учрашув ва музокара-лар ўтказди, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

Мазлумот ўрнида айтиш жоизки, Австралия қитъа-мамлакат бўлиб, сайёрамизнинг жанубий ярим шарига жойлашган. Австралиянинг шарқий қирғоғини Тинч океани, шимолий, ғарбий ва жанубий соҳилларини эса Хинд океани ювиб туради. Худуди қарийб — 7,7 миллион квадрат километр. Аҳолиси — 21 миллион киши. Пойтахти — Канберра шаҳри.

(Давоми 2-бетда).



### Интилиш

**Ёшлар — юртимиз истиқболи, эртанги кун эгаларидир. Зеро, бугун йигит-қизларимизнинг ғайрат-шижоати, истеъдод қирралари ҳар қачонгидан ҳам ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Бинобарин, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Келажак овози» кўрик-танлови иштирокчиларининг ёрқин истеъдоди, улар яратган лойиҳалар билан таънишгач, бунга яна бир бор амин бўлиш мумкин.**


**Жорий йилда кўрик-танловнинг Қашқадарё вилояти босқичида қатнашиш учун 7 йўналиш бўйича 5400 нафар йигит-қиз ариза топширди. Айниқса, «Бадий ижод», «Тасвирий ва амалий санъат», «Спорт» йўналишлари бўйича қатнашчилар сони кўпчиликти ташкил этди. Танловнинг «Спорт» йўналишида халқаро**

**мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб химоя қилиб келаятган шахматчилар — Умида Чоршанбиева, Акмал Файзуллаев, оғир атлетикачи Зилола Бўриева каби нобис истеъдодли ёшлар ҳам бор.**

**Қарши шаҳридаги муҳташам амфитеатрда ана шундай иқтидорли ўғил-қизлар — танловнинг вилоят бос-**

**қичи ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда кўрик-танловнинг республика босқичига йўланма олган 41 нафар йигит-қиз махсус диплом ҳамда компьютер жамланмаси билан тақдирланди.**

(Давоми 4-бетда).



### Бухоро:

## Устознинг шоғирдлари

— Юртобимиз шу йил вилоятимизга ташриф буюрганларида, мактабимиз ҳақида илиқ фикрларни билдирдилар, — дейди фахр билан Қоракўлдаги 1-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернати директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Тўхтамурод Жумаев. — Давлатимиз раҳбарининг педагогик жамоа меҳнатига, ўқувчиларимиз муваффақиятига берган баҳоси биз учун энг катта муқофотдир.

## БУНЁДКОРЛИКДАН ЖИЛОЛАНГАН ВОҲА

Даржакият, мазкур ўқув маскани эришяётган натижаларга ҳавас қилса, арзийди. Узоққа бормайлик, жорий йили Тошкентда бўлиб ўтган Менделеев номидаги халқаро олимпиадада ушбу мактаб-интернат ўқувчиси Ризамат Хайруллаев бронза медалини қўлга киритди.

Биргина жаҳон олимпиадаларидан шу илм даргоҳи ўқувчилари 19 та кумуш ва бронза медалларини Ўзбекистонга олиб қайтишган. Қоракўллик ёш иқтидор эгаларининг салоҳиятларига турли йилларда Руминия, Жанубий Корея, АҚШ, Испания сингари давлатларда ўтказилган жаҳон фан олимпиадаларида тан берилган. Дунёнинг маънаван деган математик олимлари эса бугун ал-Хоразмий авлодларига тасаннолар айтишмоқда.

### Водийларни яёв кезганда

— Биз ўқувчиларимизга ўқишни эмас, балки ўрганишни ўргатамиз, — дейди Тўхтамурод ака. — Нераки, ўқиш учун дарслик ва қўлланмалар етарли. Уларни илм сирларини ўрганишга йўналтирсак, марра бизники.

Бухорода «Тўхтамурод Жумаев мактабида ўқиш институтида таҳсил олишдай гап», дейишади. Бу гапда муболага йўқ. Хар йили ёзда мактаб-интернат ҳовлиси ёш ўғил-қизларга тўлиб кетади. Уларнинг бу масканда ўқиш истаги баланд. Ўқишга кириш синовлари ҳам шунга яраша. Чунки бош мезон — билим. Ахир тарозининг бир палласида мактаб-интернат нуфузи, шаъни турибди...

Ёшлар йилида мазкур илм даргоҳида 300 ўқувчига мослаштирилган замонавий ўқув биноси, 100 ўринли ётоқхона қурилди. Эндилдада ўқувчилар янги мактабда таълим-тарбия олишмоқда.

— Биз, ёшларга яратилган

юксак шарт-шароитлардан жуда мамнунмиз, — дейди республика фан олимпиадаси ғолиби Элбек Қурбанов. — Аяло ўқиш, юртимиз номини дунёга ёйиш билан ана шу ғамхўрликка жавоб берамиз.

### Изоҳ ўрнида.

Воҳадаги ёшларнинг илм-фан соҳасида эришяётган ютуқлари кишини қувонтиради. Масалан, ўтган ўқув йилида умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг республика фан олимпиадасида тўққиз нафар ўғил-қиз совринли ўринлар соҳиби бўлишди. Шу маънода, вилоят умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳридан сўнг иккинчи ўринни эгаллади. Албатта, ана шу натижанинг ўзиёқ уларнинг салоҳияти нечоғли эканини яққол кўрсатиб турибди.

(Давоми 2-бетда).

### Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Президентимиз тақдирномасига биноан «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги 2008 йил 28 августдаги қарори юртимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик ва бағрикенглик сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.

## БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

У аввалги амнистияларга нисбатан мазмун-моҳият жиҳатидан бойлиги билан фарқ қилади. Ун саққизинчи бор қабул қилинган ушбу тарихий ҳужжат яна минглаб юрдошларимиз хонадонига шодлик ва қувонч олиб кириши шубҳасиз.

Кеча Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокураторура синов-сертификатлаштириш марказида ташкил этилган кўргазмада республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиш этилди.

### Сифат кўриги

Кўргазмада вилоятдаги йигирмадан ортиқ саноат корхоналари ўзларининг импорт ўрини босувчи, экспорт маҳсулотлари билан қатнашди. Ҳакамлар ҳайъати ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, хусусан, янги техника ва технологияни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни ҳам алоҳида ба-

қ. НАЖИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Мамлакат бўйлаб

«Тошкент» халқаро аэропортида янги модификациядаги «Ил — 114-100» ҳаво кемасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

### ЎЗБЕК САМОЛЁТСОЗЛАРИ ТУҲФАСИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси буюртмаси асосида «В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирилари» давлат акциядорлик жамияти томонидан йиғилган мазкур румуддаги самолётнинг дастлабки «Тошкент — Қарши — Тошкент» йўналиши бўйича ҳавога кўтарилди.

Тадбирда дунёнинг етакчи авиакомпаниялари, Халқаро авиация қўмитаси мутасаддилари, мамлакатимизда рўйхатдан ўтган дипломатик корпус вакиллари, маҳаллий ва хорижий ОАВ ходимлари иштирок этишди. Унда синовдан муваффақиятли ўтган ушбу ҳаво лайнери замонавий авиация ташувлари бозорининг барча талабларига тўла жавоб бериши эътироф этилди. 52 ўриндиқли «Ил — 114-100»нинг яна бир мўҳим хусусияти шундаки, у ёнғилни кам сарфлайди. Жаҳон нефть бозориди.

(Давоми 2-бетда).

## Бозорлар — фаровонлик кўзгуси

2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимизда мавжуд дехон бозорларида маблаг айланмаси

7 фоизга ошди.

Республикаимизнинг барча ҳудудларида мена-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида шундай ўсиш даражаси таъминланди.

Бир рақам шарҳи

## Булоқбошида янги коллеж

Ғаллаорол туманининг Булоқбоши қишлоғида Ахборот-технологиялари касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди.

«Мафтуна» кўп тармоқли қурилиш фирмаси томонидан бунёд этилган мазкур илм-хунар масканида 1 миллиард 695 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. 645 ўринли замонавий коллеж шу ҳудуддаги 7 та мактабнинг 9-синф битирувчиларига таълимнинг навбатдаги босқичини эгаллаш имконини берди.

Т. КАМОЛОВ.

(Давоми 4-бетда).

**Олий Мажлис палаталарида қабул қилинган ва маъқулланган "Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб, матбуотда эълон қилинди. Ушбу ҳужжатнинг мақсади жиноят қонунчилигида тугган ўрни хусусида муҳимимиз Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фариди АБДУРАҲИМОВА билан суҳбатлашди.**

# МАҚСАД — САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ

— Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш узлуксиз жараён бўлиб, бунда судлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти дахлдор қонунларни тақомиллаштириб бориш талаб этилади, — дейди сенатор. — Бу фикрни Олий Мажлис Сенатининг деярли барча ялли мажлисларида тизимини ислоҳ этишга оид қўллаб қўнгунлар маъқуллангани мисолида ҳам кўриш мумкин.

2008 йилнинг 14 август кунин парламент кўйи палатаси томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни судлар ва тергов органлари фаолиятидаги муҳим масала, яъни жиноят ишига алоқадор жиноят қуроллари тақдирини ҳал этиш билан боғлиқ суд ва тергов амалиётидаги

яъни 211-модда мавжуд. Унинг 1-бандига қўра, жиноят содир этишда қўлдаланилган жиноят қуроли, агар, бевосита гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига қарашли бўлсагина, мусодара қилиниши белгиланган. Аммо янги қўра қирган Қонунга биноан, бундан буён жиноят содир этишда фойдаланилган жиноят қуроли, кимга тегишлилигини қатъий назар, мусодара қилиниши керак.

алоҳида жиноятларни (босқинчилик, талончилик, ўқирлик) содир этишда қўлдаланилган бошқа шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларидан (ижара ёки ишончнома орқали бошқариш ҳуқуқи асосида) фойдаланилмоқда.

Бундай ҳолатларда судлар жиноят қуроли бўлиб ҳисобланган мазкур воситаларни эгаларига қайтариб беришга мажбур. Хусусан, 2002 йилдан шу йилнинг май ойига қадар судлар то-

ҳим бир масалага эътибор қаратиш лозим. Гап шундаки, агар шахс ўзига тегишли бўлмаган мулкдан фойдаланиб жиноят содир этса ва бу мулк жиноят қуроли деб топилиб, мусодара қилинса, мулкнинг эгаси, жиноят содир этилишига дахли бўлмаса-да, ўз мулкдан айрилади.

Масалан, шахс ижара шартномаси асосида бошқараётган автомашинадан фойдаланиб, бирон бир жиноятни содир этиши ва келгусида унинг қилмиши дастлабки тергов органлари томонидан фош этилиб, айбдорлиги аниқланса, яна суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида белгиланган жазо қўллаш билан бирга, жиноятни содир этишда фойдаланилган, ижара шартномаси асосида вақтинча фойдаланилган автомашина ҳам мусодара қилинади.

## Такдимот

Миллий матбуот марказида "eKamton Group" компанияси томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

## ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ХАРИД

Анжуман электрон тижорат соҳасида фаолият олиб бораётган мазкур компаниянинг юртимиз тадбиркорларини "он-лайн" бозорига жалб қилиш борасидаги ишлари ҳамда жорий этган янги хизмат турларига бағишланди.

Мазкур компания, Вазирлар Маҳкамасининг "Электрон тижорати амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, шу йилнинг май ойида "eKamton" интернет тўловлар тизимини бошлангич лойиҳа сифатида амалга оширганди. Қисқа фурсат ичида компания томонидан 20 га яқин интернет-дўконлар яратилди. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, бу тизимнинг қулайлиги шундаки, бирор бир маҳсулотни харид қилиш учун дўконга боришиңизга ҳожат қолмайди. Яъни, "eKamton" хизмати сизга интернет орқали тизим таркибига қўшилган дўконлардан исталган маҳсулотни харид қилишиңизга қўмақ беради. Бу ишнинг қулайлаштириши билан бирга, ортқча вақт ва харajatларини тежайди.

Матбуот анжуманида, шунингдек, "eKamton" интернет тўловлар тизимининг янги хизмати — "eK Mobile", яъни "Мобил кармон"нинг ишга туширилгани, эндиликда унинг ёрдамида уяли алоқа телефонлари орқали ҳам электрон тўловларни амалга ошириш имкони пайдо бўлгани хусусида журналистларга батафсил маълумотлар берилди.

**Ю. УЛАШЕВ.**

## Айтинчи, ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишга қандай омиллар туртки бўлди?

— Мазкур Қонун судгача бўлган жараёнда ёки судлар томонидан ҳукм қабул қилишда жиноят ишига қўшилган жиноят қуроллари юзасидан қонуний қарор қабул қилиш механизмига аниқлик киритади. Шу билан бирга, одил судловни амалга оширишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатини янада қўлайтиради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишини юритиш тамом бўлгани муносабати билан ашъвий далиллар тўғрисидаги қабул қилинадиган қарорлар ҳақидаги алоҳида норма,

## Ўз навбатида, мусодара қилинган жиноят қуроллари тегишли муассасага топширилади ёки йўқ қилиб юборилади. Бунда жиноят қуроли муомалари қайтариб берилган.

## Қонун кучга кирди

— Суд амалиётини ўрганиш шунини кўрсатдики, бохона чегарасидан товлар, қиллоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ва бошқа қимматликлар, наркотик воситаларни ноқонуний олиб ўтишда, шунингдек, жиноятчилик томонидан

## Монидан 2213 та енгил ва юк ташувчи автомашина жиноят қуроли деб топилган, шундан 1454 таси мусодара қилинган, 759 таси мол-мулк эгаларига қайтариб берилган.

Мазкур ҳолат жиноятчиликка қарши курашнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Жиноятчилик томонидан бошқа шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларидан жиноят қуроли сифатида тақдоран фойдаланиш учун шарт-шароит яратмоқда.

## — Демак, фикрингиздан кўриниб турибдики, янги Қонунда ижарага олинган транспорт воситалари, агар улар жиноят қуроли ҳисобланса, мулк эгасига қайтарилмас экан-да?

— Шу ўринда мазкур Қонун кучга кириши билан юзага келадиган му-

(Давоми. Боши 1-бетда).

# Ўзбекистон — Австралия: МАСОФАЛАР ТОБОРА ЯҚИНЛАШМОҚДА

Миллий байрами — Австралия кунин (26 январь 1788 йил). Австралия парламент монархияси ҳисобланади. Расмий тиллардан давлат раҳбари Буюк Британия қиролчиси. Мамлакат Генерал-губернатори — Квентин Брюс, Бош вазир — Либерал партия етакчиси Кевин Радд.

Австралия бетақорр табиатга эга экани боис уни «яшил китъа» деб аташлари беҳиз эмас. Мамлакатнинг бу хусусияти унинг гербид ҳам акс этган бўлиб, ундан мамлакатнинг олтин шати билан бир қаторда, Австралия миллий рамзи — кенгуру ва эму туякуши жой олган.

Австралия — юксак даражада ривожланган саноат-аграр мамлакатдир. У иқтисодиётининг барқарор тараққиёти билан ажралиб туради. 2007 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти 889 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, иқтисодиётнинг ўсиш даражаси 2,6 фоизга тенг бўлди.

Иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлари, бу — қайта ишлаш, тоғ-кон саноати ва қиллоқ ҳўжалиги бўлиб, уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг салмоқли қисми ташқи бозорга экспорт қилиш учун муължалланган. Қиллоқ ҳўжалиги соҳасида чорвачилик етакчи ўрин тутди. Австралия — жаҳон бозорига юқори сифатли жун-газламалар, гўшт-сут маҳсулотлари, бугдой ва шакар этказиб берувчи мамлакатдир.

Австралия Ўзбекистон Республикаси мулкдорларининг 1991 йилнинг 26 декабрида тан олган ва дипломатия муносабатларини ўрнатган.

Мамлакатларимиз бир-биридан анча олисда жойлашган бўлишига қарамай, икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Республикаимизда Австралия сармоядорлари иштирокида ташкил этилган олтин қорхона фаолият юритмоқда. Уларнинг учтаси қўша қорхона бўлса, яна учтаси 100 фоизлик хорж сармояси асосида тасвир этилган. Улар қиллоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, воситачилик хизматлари, парфюмерия ва тўқимачилик саноатида фаолият кўрсатмоқда.

Спорт соҳасидаги алоқалар ҳам ривожланиб бормоқда. 2000 йилда Ўзбекистон спортчилари Сиднейда бўлиб ўтган XXVII ёзи Олимпиадада ўйинларида иштирок этишган. 2007 йил мартда эса синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Мельбурнда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида қатнашди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан бўлган суҳбатда Маргарет Туми хоним айни пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги спорт ва маданий алоқаларни муостаҳкамлашга хизмат қилади.

Маргарет Туми хоним юртимиздан олган таассуротлари ҳақида гапириб, Ўзбекистон билан Австралия ўртасида қўлаб ўқшавилик ва умумий жиҳатларни кашф этганини таъкидлади. Дипломатининг сузларига қўра, «икки юртининг икки ва ҳаттоки, ҳаво ҳароратининг ўқшавилиги бизни ҳайрон қолдиради. Шу билан бирга, ўзбек халқининг самимиюлиги, оқинқўнлиги ва меҳмондўстлиги Тошкентда қилган сафаримизни унутилмас таассуротлар билан бойитди».

**Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА.**

## Лойиҳалар — амалда

Новий вилоятда қиллоқ аҳолисининг ичимлик сувдан баҳрамандлигини тубдан яқинлашга қаратилган лойиҳа амалга оширилмоқда.

**Ҳамкорлик** Умумий қиймати 17,9 миллион АҚШ долларлиги ушбу лойиҳанинг 12,5 миллиони Осий Тараққиёт банки ҳисобидан, қолган қисми эса республика бюджетидан молиялаштирилади. Натихада, 90 дан зиёд қиллоқлардаги аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Айни пайтда 470 километр масофага қувур тортилиб, мавжудлар қайта реконструкция қилинапти. Бугунга қадар эса Уқудуқ туманидаги Қултиқ шаҳарчаси ва Нурота шаҳрининг 14 минг аҳолисига тоза ичимлик суви етказилган эди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 16 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, бохона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қиймати қиймати белгилади: /

1 Австралия доллари	1088,83	1 Малайзия рингити	384,46
1 Англия фунт стерлинги	2390,80	1 Польша злотийси	571,30
1 Дания кронаси	256,45	1 СДР	2044,11
1 БАА дирҳами	361,14	1 Туркия лираси	1072,69
1 АҚШ доллари	1326,38	1 Швейцария франки	1192,14
1 Ёвро	1245,49	1 ЕВРО	1911,58
1 Ёвро фунти	245,49	10 Жапония йени	12,00
1 Исландия кронаси	14,95	10 Япония иенаси	125,64
1 Канада доллари	1250,59	1 Россия рубли	51,61
1 Хитой юанни	194,00	1 Украина гривнаси	273,35

\* Валюта қиймати белгиланган чоғда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.

## Бухоро:

# Бунёдкорликдан Жилоланган Воҳа

(Давоми. Боши 1-бетда).

## «Омад» — изланиш меваси

Ҳасан Солиевни Гўшадонда яши таънашди. У тумандаги илгор фермерлардан бири. Одамлардан ширин сўзи ва қўмагини ҳечам аямайди.

— 1994 йилдан бугун фермерман, — дейди Ҳ. Солиев. — Ҳўжалигимиз номини эзгу ният билан «Омад» деб номладик. Ҳалол меҳнат қилиб кам бўлмаямиз. Жорий йилда давлатга 51 тонна дон сотдик. Икхтиёримизда 15 тонна бугдой қолди. Асосан, чорвачиликка ихтирослашганмиз. 67 бош қорамолни, беш юз бош қўйни парвариллашганмиз.

Фермернинг қиллоққа саноатни олиб кириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ўрпақ олишга арзайди. Сўтқасига 2,5 тонна донни қайта ишлашга муължалланган тегиримини ҳам аҳолига тўқис жизмат қилиб келмоқда. Мебель ясаш ҳақида тайёрланаётган силлик, бежирим, қўрмак стол-стул, шкафларни қўриб, уларни қиллоқ усталари ясаётганига ишонинг келмайди. Бу ердан буюртмачилар қадами узилмайди. Ҳатто, Навоий, Қарши шаҳарларидан ҳам мижозлар келиб туришади. Фермернинг укаси Ҳасан Солиев билан уста Жалол Нурбоев Хитойда бўлиб, 12 турдаги дастохни харид қилиб қайтишди. Эндилгида цехнинг ишлаб чиқариш қуввати янада ошади.



Ишлаганини истаган имконият излайди, — дейди Ҳасан Солиев. — Ўнга яқин оиланинг рўзгорини тебратиб турибмиз. Билсангиз, чор-атрофиндаги одамларнинг ташвиши шериқ бўлиш, оғирини енгил қилиш ҳам эл урт учун қилинган меҳнатнинг бир кўриниши...

**Изоҳ ўрнида.** Жорий йилнинг олти ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан вилоятда ялли қиллоқ ҳўжалиги маҳсулоти ҳажми 105,6 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 105,3 фоизга, экспорт ҳажми 117,1 фоизга ўсди. Бунда мулкдорлар синфининг ҳиссаси катта бўлди.

## Эзгу ниятлар рўёби

Дунёдаги санокли шариф шаҳарлар ичида Бухоро шарифинг борлиги қўнгилга гурур бахш этади. Зеро, бундай улугвор номга эга шаҳарлар муқаддаслиги, инсоният маънавий меросини ўзида жамулжам этгани билан эъзозлидир. Олмоғса ишлов берилса, тобора жилолангани каби, Истиклол йилларида Бухоро ҳам янада чирой очиб, равнақ топиб борапти.

— Лабиховуз бўйида ошнам билан би-ир отамлашайлик, деб шаҳарга атайин тушдик, — дейди олотлик

## Ислом ИБРОҲИМОВ «Халқ сўзи» муҳбири.

Юсуф ота Бердиев. — Бир-биридан гўзал биноларни қўриб, адашиб қолаёзим. Суриштирсам, бу биноларнинг бирини мактаб, бирини лицей, яна бирини эса колледж дейишди. Невараларимнинг кенжасини, албатта, шулардан бирини ўқитаман, деб ният қилдим.

Истиклол йилларида қўлаб яхши ниятлар рўёбга чиқди, орзулар ушладди. Зийратлар оқиб мактанга айлантилди. Ёдгорликлар таъмирланди.

— Илгариги тузум даврида Баҳоддин Навоидан, Мирқуллоқ, Ҳўжа Азизон, Ҳўжа Орф Мохитобон каби қадамқорлар қаровисиз эди, — дея эслайдди чорбақорлик Сулаймон ака Ҳалимов. — Ҳазрат Абдуқолиқ Гўшадоний қабри ва бошқа табаррук жойлар, Яратганга шўқр, бугун муътабар, оқиб гўшаларга айлантилди.

Янунда шарқона услубда қўрилган марказий бозор мажмуаси фойдаланишга топширилди. Ҳозирда шаҳарнинг янги маркази бунёд қилинмоқда. 50 гектардан зиёд майдонни эгаллайдиган марказда меъморчиликнинг Бухоро аънаъларига ҳос услубда қатор бинолар қад ростламоқда. Фавворалар, гул гулзор, бош барпо этилади. Бунда Президентимизнинг маслаҳат ва йўл-йўриқлари қўл келаетир.

**Изоҳ ўрнида.** Шариф шаҳардаги бунёдкорлик туман марказлари ва қиллоқларда ҳам давом этапти. Қоғон, Шофирқон, Ромитондаги ободончилик юмшурли фикримиз дағилдир. Бундан ташқари, ўтган йиллар давомида бешта академик лицей ва 102 та йўналиш бўйича мутахассис тайёрлайдиган 57 та коллеж тўлиб хизматига топширилди. Сен-тўбнинг бошида эса 11 та янги касб-ҳўнар коллежи ўйил-қизларни ўз бағрига олди.

Истиклол қадимий Бухорога навқирон бир руҳ олиб келди. Бу руҳ бунёдкорликнинг кенг қўламадаги бунёдкорлик ишлари сари чорламоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**

# МУЛҚДОР БЎЛГАНИМДАН ФАҲРЛАНМАН

**Мен, гапнинг очиги, Истиклол шарофати туфайли мулкдор бўлдим. Фермер сифатида ҳамиятда ўз ўрнини топдим. Бундан фахрланмай, гурурланмай бўладими?!**

Тўғри, биз дастлаб 5 гектар майдонда иш бошлаган эдик. Бугунги кунда эса 90 гектар ердан деҳқончилик қилаёلمиз. Шундан 57 гектарда галла, 19,5 гектарда чорва учун озуқа, 5 гектарда полиз маҳсулотлари етиштиряёلمиз. 8,5 гектар ерни эса боғга айлантирганмиз. Бундан ташқари, 12 бош қорамолимиз, 50 бошдан ортқ қўй-қўзимиз бор. 25 нафар киши иш билан банд.

мева-сабзавотни қайта ишлайдиган ускуна, қандолатчилик ва нон маҳсулотлари тайёрлайдиган технологик қурилма харид

## Ифтхор

қилдик. Ҳозирда тасарруфимизда 3 та трактор, 15 та тиркама, агрегат ва мосламалар мавжуд. Фермерлик фаолиятим жараёнида шунга амин бўлдимки, ким ҳалол меҳнат

қилса, ҳеч кимдан кам бўлмас экан. Иши, албатта, қадр топиб, эл назарига тушаркан. Ҳозирда қис: «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг республика босқичида «Энг матонатли тадбиркор аёл» номинатсияси бўйича голиб, деб топилдим.

Менга ва мен сингари хотин-қизларга ўз иқтидорларини намойён этишлари, Ўзбекистон аёллари нимадир қодирлигини кўрсатишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб

бераётган, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган Президентимизга чин юракдан раҳматлар айтман! Бундан кейин ҳам юксак ишонч оқлаш, эл-юртимиз дастурхонини сарҳил ноз-неъматлар билан бойитиш йўлида бор куч-гайратимни аямаяман.

Эзгу тилагим шукки, оқод юртимиз яна ҳам оқод бўлаверсин!

**Гўзал ШУКУРОВА, Қибрай туманидаги фермер ҳўжалиги раҳбари.**

# ЎЗБЕК САМОЛЁТСОЗЛАРИ ТУҲФАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ёниги нархи кескин кўтарилиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз самолётсозларининг ушбу туҳфаси нафақат «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси учун, балки юртимиз фуқаролари учун ҳам катта аҳамиятга эга.

«Ил — 114-100»ни яратишда самолёт конструкциясини ишлаб чиқарувчи «Ил» оник акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан мамлакатимиз самолётсозлари ва учувчиларининг барча талаб ва тақлифлари инобатга олинди. Ҳаво кемасини бошқариш аниқлиги оширилди. Лайнернинг бутун авионика тизими модернизация қилинди. «Ил — 114-100»га Россия, АҚШ ва Канадада ишлаб чиқарилган замонавий жиҳозлар ўрнатилиши туфайли самолётнинг учуш вазни 430 килограммга енгиллашди. Бу эса унинг учуш масофасини ўзайтиради.

«В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ шу ойнинг охирида яна битта худди шундай самолётни Миллий авиакомпанияга етказиб беришга ҳозирлик қўймоқда.

Матбуот анжуманида, шунингдек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси йўналишлари бўйича парвозларни амалга ошираётган «Як — 40» ва «Ан — 24» самолётлари «Ил — 114-100» авиалайнерларига алмаштирилиши айтиб ўтилди.

**Юнус БУРОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**

# ҚўРИҚХОНАДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН


Китоб туманидаги геология қўриқхонасида халқаро конференция бўлди. Унда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Польша, Бельгия, Франция, Швейцария, Россия ва бошқа қатор давлатлар олимлари иштирок этдилар.

Илмий анжуман қатнашчилари Зарафшон тоғ тизмаларининг жануби-ғарбий ёнбағридаги Ҳўжақўрган, Зилзилибон, Новабақ сойларида, тоғ кесмаларида ер юзига чиқиб қолган полевской эраси хайвонот дунёсини қолдиқларини батафсил ўргандилар, соҳанинг долзарб масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Дунё олимларининг бу ерга тўпланиши бежиз эмас. Денгиз сатҳидан 1500-2000 метр баландликда жойлашган қўриқхона худуди бундан 400-500 миллион йиллар илгари денгизнинг туби бўлган. Ер қатламларидаги тектоник ўзгаришлар туфайли табиат ўзгариб, денгиз қуриган ва унда яшаган жонли мавжудот тошга айланиб, тупроқ остида қолиб кетган. Қўриқхона ўша даврнинг хайвонот ва наботот олами ҳақида таассурот бера олади.

Геология қўриқхонаси жамоаси катта илмий-тарихий аҳамиятга эга бўлган табиат ёдгорликларини асраб-авайлаш билан бирга, тадқиқот ишларини ҳам олиб боришмоқда. Халқаро конференция ва соҳадаги изланишларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.**



ЖАҲОН

24 соат ичида

Қамоқхонадаги тартибсизлик

Мексиканинг Тихуана шаҳри қамоқхонасидаги маҳбуслар ва қўриқлаш хизмати вакиллари ўртасида жиддий тўқнашув бўлиб ўтди.



AP ахборот агентлиги хабарига айтилишича, галаён-

га икки нафар маҳбуснинг полиция ходимлари томонидан ўлдирилгани сабаб бўлган. Уларни тинчлантириш учун қуроллардан ўт очибга тўғри келган ва бунинг оқибатида тўрт нафар маҳбус яраланган. Қамоқхона маъмурияти мазкур воқеага изоҳ беришнинг ради этган.

Фоҳиа сабаблари ўрганилмоқда

Яқшанба кuni Москвадан Пермь шаҳрига парвозни амалга оширган «Аэрофлот Норд» авиакомпаниясига қарашли «Boeing 737-500» ҳаво лайнери ҳалокатга учради.

«Интерфакс» ахборот агентлиги маълумотига кўра, самолёт бортидаги 82 йўловчи ва олти нафар экипаж аъзосининг барчаси ҳалок бўлган. Фоҳиага хозирча «жаво кемаси»нинг двигателларидан бирида юзага келган носозлик сабаб бўлганлиги айтилмоқда. Шу муносабат билан 15 сентябрь кuni Пермь шаҳрида мотам эълон қилинди.

Сотувга чиқаришни бошлайди

«Sony Ericsson» компанияси жорий йилнинг 30 сентябридан бошлаб «Sony Ericsson Xperia X1» русумли қўл телефонларини сотувга чиқаришни бошлайди.

Компания вакилининг айтишича қараганда, мазкур мобил телефонлари сўнги пайтларда харидоригр бўлиб бораётган «iPhone» телефонлари билан кучли рақобатга киришадиган ва ўз устулигини намойиш қилади. «Sony Ericsson Xperia X1» жуда кўп маълумотлар сақлаш имкониятига эга. Бундан ташқари, у 3,2 мегапикселли камера билан ҳам жиҳозланган. Ишлаб чи-



қарувчилар янги телефоннинг баҳоси 1100 АҚШ доллари эканини маълум қилишди.

Кутилмаган совға

Қирғизистонда бўлиб қайтган уч нафар хитойлик сайёҳ мамлакатига эсдалик совғалари сифатида келтирган тошлар радиоактив чиқиндилар бўлиб чиқди.

РИА «Новости» хабарига келтирилишича, саёҳатчилар мазкур тошларни Қирғизистондан икки минг АҚШ долларига сотиб олишган. Умумий вази 274 килограмдан иборат тошлар Циньхуа университети эксперт-геологлари томонидан текшириб кўрилганда, улар радиоактив модда ҳисобланмиш уран қолдиқлари, деган хулосага келинди. Сайёҳлар бу «хазина»ни мамлакат ҳудудига узлари билмаган ҳолда олиб кирганилиги учун полиция уларни жиноий жавобгарликка тортмади.

«Айк»нинг зарари

Бир неча ҳафтадан буён фаол ҳаракатда бўлиб турган «Айк» тўғриси келтирилган иқтисодий зарар миқдори ошиб бормоқда.



Кузатувчиларнинг маълум қилишича, табиий офат яқшанба кuni АҚШнинг Мексика кўрфазидида ўндан ортқ нефть платформаси ва бир неча йирик нефть қуварларига жиддий зиён етказган. Бу хабарни Америка минерал захиралари бошқаруш хизмати вакили Ларс Хербст ҳам тасдиқлади.

Айни пайтда, тўфон Техас штати ҳудудида ҳаракатланмоқда. У мазкур штатдаги Галвестон ва Хьюстон шаҳарларининг инфратузилмасини деярли издан чиқариб юборган. Техас, Арканзас ва Луизиана штатларида истиқомат қилувчи икки миллионга яқин аҳоли электр тармоғидан узилиб қолган. 13 киши эса табиий офат қурбонига айланган.

Экспертлар «Айк» АҚШ иқтисодийига 18 миллиард доллар миқдорда зарар етказганлигини айтишмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Мамлакатимиз дунёнинг кўплаб давлатлари билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Ана шу ҳамкор давлатлар орасида Япония ўзига хос ўринни эгаллайди. Ўзбекистон ва Япония алоқалари, айниқса, Президентимизнинг 2002 йили мазкур давлатга қилган ташрифи, 2006 йилда эса Япониянинг собиқ бош вазири Жюнитиро Коидзумининг Ўзбекистонга амалга оширган ташрифидан сўнг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Мамлакатларимиз ўртасида яқинда имзоланган инвестиция битими ҳам ана шу дўстона муносабатларнинг яна бир ёрқин намунаси.

Бундан ташқари, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, қишлоқ ҳўжалиги, қўйинги, яна бир қанча соҳаларда ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Тарихий шаҳарларимиз, урф-одатимиз, маданиятимиз билан яқиндан танишиш истагида юртимизга келаётган хорижий сайёҳлар орасида японлар ҳам кўпчиликти ташкил қилади. Ўз ўрнида, бизнинг ҳам Япония ва унинг халқига бўлган ҳурматимиз юқори. Юртдошларимиз сайёҳ сифатида мазкур мамлакатта эмин-эркин бориб келишмоқда. Бир қанча ёшларимиз эса ана шу давлатнинг нуфузли илм масканларида таълим олишмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, Японияда Ўзбекистонга оид ташкил этиладиган ҳар қандай тadbир, у кўргазма бўладими, анжуман ёки маданий тadbирлар бўладими, доимо илқ муносабат билдирилади. Яқинда мазкур давлатга қилган сафаримиз чоғида бунга яна бир қарра амин бўлдик.

Япон оиласида ўзбек палови

Япониянинг «Уорлд Кампус Интернейшнл» ташкилоти ҳар йили баҳор ва ёз ойларида дунёнинг турли қитъаларидан кишиларни Япония бўйлаб саёҳат қилиш ва шу орқали кунчиқар юрт эгаларининг турмуш тарзи, маданияти ва соҳалар бўйича эришаётган ютуқлари билан яқиндан танишишга таклиф этади.


Дастурнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у нафақат японияликлар, балки ҳар бир иштирокчи давлат вакиллари учун ҳам саёҳат давомида ташкил этиладиган тақдирот кунлари орқали ўз юртини, маданиятини, тарихи ва аъьаларини кенг тарғиб қилиш имконини беради.

Бу галги тadbирларда дунёнинг ўндан ортқ давлатидан вакиллар иштирок этиши. Хусусан, Хитой, Корея Республикаси, Япония, Ўзбекистон, Индонезия, Туркия, Швейцария, Норвегия, Финляндия, Дания, Кения, Бразилия, Мексика, АҚШ ва Канада. Ана шу давлат вакиллари қаторида тенгма-тенг бўлиш ва уларга Ўзбекистонимизнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш, сўзлаб бериш имконияти яратилгани бизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлади.

Дастур режасига кўра, биз Нагано, Токио, Ибараки ва Хиросима префектураларида бўлдик. Иштирокчилар япон оилаларида истиқомат қилиш учун Ўзбекистонликлар ўзимиз яшаган ҳар бир хонадон ўзбек таълимнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида батафсил гапириб бердик. Шунингдек, миллий таомлимиз — палов тайёрлаб, ғуручдан шундай мазали овқат қилиш мумкинлигини кўрсатдик. Чунки, биласиз, ғуруч япон халқининг асосий неъматига ҳисобланади ва уларда худди биздаги нон каби жуда қадрланган. Шу боис, дастурхонга доимо қайнатишган ғуруч тортилади ва у бошқа овқатлар билан қўшиб истеъмол қилинади. Балки, шунинг учун бўлса керак, айнан ғуручдан тайёрланган ўзбек паловига японлар ўзгача меҳр ва кизиқиш билан қарашиди. Уни пишириш жараёнини бирма-бир олишди.

Япон оилаларида Ўзбекистоннинг миллий таомини тайёрлаб беришимизни эшитган айрим иштирокчи давлатлар — Бразилия, Корея, Индонезия, Кения вакиллари ҳам унинг мазасини татиб кўришни илтимос қилишди. Ҳамма паловимизга жуда юқори баҳо берди ва ватанларига қайтган албатта, бу таомни ўз оилаларида ҳам тайёр-

лаб кўрмоқчи эканликларини айтишди. Шу ўринда яна бир қизиқ ҳолат ҳақида. Маълумки, бизда кўни-кўшничилик муносабатларига алоҳида эътибор қаратилади. «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги кўшни яхши», «Ён кўшини — жон кўшини» деган иборалар бежиз пайдо бўлмаган. Энг яхши нарсаларимизни кўшниларимизга илина-миз, ён-веримизда биров бетоб бўлиб қолса, чиқиб ҳол-аҳвол сўрай-миз. Шу анъанамизни японларга кўрсатиш ва тушунтириш мақсадида, ўзимиз тайёрлаган паловдан бир идишга солиб, хонадон соҳиблари орқали уни ён кўшиларига чиқаришни сўра-



ди. Айримлар шундан сўнг Ўзбекистонга келиб, юртимиз билан яқиндан танишиш истаги пайдо бўлганини ҳам яширишмади.

Юқорида ҳар бир давлат вакиллари учун тақдирот кунлари ажратилган, дедик. Ана шундай имконият бизга Ибаракани префектурасининг Ториде шаҳрида берилди. Бу ерда биз юртимиздаги «Синема-маркет» компаниясидан олинган «UZBEKISTAN» деб номланувчи фильмни намойиш этдик. Унда мамлакатимиз пойтахти Тошкент, қадимий шаҳарларимиз — Самарқанд, Бухоро, Хива, шунингдек, табиатимиз, миллий таомларимиз, урф-одатимиз, либосларимиз ҳақида батафсил хикоя қилинган. Шундан сўнг, иштирокчиларга кадрларимиз, мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар, таълим тизимидаги ўзига хос жиҳатлар, сайёҳлик имкониятлари тўғрисида сўзлаб бердик. Ўзга мамлакат вакиллари қисқа вақт ичида Ўзбекистоннинг бу каби ютуқларга эришганига ҳайратланишди.

Таништирув жараёни Тама, Мито, Хиросима шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

Шекарт ОРТИКОВ, «Жалқ сўзи» муҳбири. (Давоми бор).

Кунчиқар юрт манзаралари



Лекин ҳозир бу аъьана йўқолиб кетган. Тўғри, кўшиларимиз билан муносабатимиз ёмон эмас, аммо у қадар яқин ҳам эмасмиз. Ҳамма ўзи билан ўзи овера. Демак, ўзбеклар бу одатларини сақлаб қолмишган экан. Бу аъьана эътиборга сазовор. Чунки меҳр-

ди. Масалан, Нагано префектурасининг Уэда шаҳридаги Омур оиласида шундай қилгани мизда, аввалага, ёшлар хайрон бўлишди. Нега ахир? Аммо уларнинг отаси — 63 ёшли жапон Омури к у л и б : «Мен сизларни тушундим. Худди шундай аъьана бизда ҳам эзлик-олтмиш йил аввал бўлган. Фарзандларим бунини билмишайди. Бунини менга отаонам айтиб берган.

Саёҳатимиз давомида ҳар бир шаҳарда бизни қабул қилган оилалар учун миннатдорлик маъносида маданий тadbирлар ташкил этилди. Уларда қатнашувчиларнинг ҳар бирига юртини мадҳ қилувчи бирор бир жиҳатни кўрсатиш таклиф қилинди. Биз миллий либосларимиз — чопон, белбоғ, дўппи кийиб, аввалага, ўзбек тилида ўзимизни таништирдик. Кейин япон ва инглиз тилларида Ўзбекистонимиз, унинг табиати, аҳолиси, кўплаб миллат вакилларининг аҳил-иноқ яшashi, давлатимиз рамзалари, хуллас, бир қанча жиҳатлар ҳақида гапириб бердик. Ўзбекча кўшиқ кўйиб берганимизда эса биров қарсақ чалиб олқишлади, биров рақсга тушди. Хуллас, кўпчилик юқори муносабат билдир-

«САЛОМАТЛИК+» ИЖТИМОЙ ПАКЕТИ. ЖАМОА ҲАҚИДА FАMХЎРЛИК ФАҚАТ ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН! DOKTOR -SERVIS. Хизматлар лицензияланган. пул ўТКАЗИШ йўли билан турли хил ИЖТИМОЙ ПАКЕТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ. «ДОКТОР-СЕРВИС»дан «САЛОМАТЛИК+» Бир йил давомида етакчи мутахассислар маслаҳатлари — БЕПУЛ. Лабораторияда ва даволаш воситалари билан текширувлар ўтказиш, мутахассисларнинг уйда берадиган маслаҳатлари ва тез табиий ёрдам учун чегирмалар.

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ» РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный) САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте) ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ. Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04

РЕСПУБЛИКА КўЧМАС МУЛК БИРЖАСИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ. нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2008 йил 10 апрелдаги 2-35-сонли ижро варақасига асосан, Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Мирзаобод туманининг «Дони» боғхона омбуторнасида сақланган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, соз ҳолдаги «BMW-X5» русумли автотранспорт воситаси такроран савдога қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 81 500 800 сўм.

«ИПОТЕКА-БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ. ўз балансида қабул қилинган мол-мулкларни потенциал харидорларга сотилишини эълон қилади. «Ипотека банк»и Фарғона вилояти филиали томонидан Фарғона шаҳри, М. Қосимов кўчаси, 139-уй манзилида жойлашган (хом ипак ишлаб чиқаришга мосланган, коммунал шароити мавжуд) кўчмас мулк сотилмоқда. Мулкнинг таркиби қуйидагича: 1. 1-цех биноси, 1-цехга ёндашган қўшимча бинолар. 2. 1-цехга ўрнатилган ускуналар. 3. 1-цехдаги ишлаб чиқаришга тааллуқли инвентарлар. 4. Электроцех айвони қурилмалари. 5. Механика устахонаси бино-иншоотлари. 6. Механика устахонаси ускуналари. Ҳурматли ишбилармон ва тadbиркор жаноблар! Сотиб олиш истаги бўлган харидорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишлари мумкин: (8-371) 150-98-28, 150-98-27, (8-373) 224-13-77.

Республика Кўчмас мулк биржаси Наманган вилояти филиали. нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Наманган вилояти ҳўжалик судининг 2008 йил 29 февралдаги 16-0806-35-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган савдо улғуржи базасига қарашли, Тўрақўрғон тумани, Оқтош шаҳарчасида жойлашган, 1980 йилда қурилган, қурилиш ости майдони — 753,9 м², 3 қаватли, 90 та хонадан иборат маъмурий бино қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 570 997 126 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 17 октябрь кuni соат 11.00 да Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уйда ўтказилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган мулк билан тегишли СИБ вакили иштирокида Бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотекабанк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2021000600571452072, МФО 00223, ИНН 200933850. Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01, www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 № 000004.

### ХАРБИЙ СПОРТЧИЛАР ШАРАФИГА

Марказий офицерлар уйида Пекинда бўлиб ўтган ХХХ ёзи Олимпиада ўйинларида иштирок этган харбий спортчиларни тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Унда ёшларнинг, жумладан, харбийларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шарт-шароит яратилгани, уларга жаҳон андозлари даражасида таълим-тарбия бериш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган...

#### Тадбир

Пекин Олимпиадасида юртдошларимиз битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритди. Терма жамоамиз эришган бу ютуққа Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг Марказий харбий спорт клуби вакиллари — бронза медали совриндорлари, кичик сержантлар Ришод Собиров ва Екатерина...

Хилько муносиб хўса қўшди. Тадбирда ХХХ ёзи Олимпиадада иштирок этган барча харбий спортчиларга ва уларнинг мураббийларига соғалар топширилди.

Куролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари иккунга қўшқилар йилгилиларни хушнуд этди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Р. Мирзаев иштирок этди.

Холмурод САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

### БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу галги амнистияда ҳам эътибор биринчи марта жиноят содир этган аёллар, воёга етмаганлар, ногиронлар, шунингдек, кексаларга қаратилган. Айтиш лозимки, амнистия ижросини тўла таъминлаш жуда катта кўчи талаб этади.

Хабарингиз бор, бу галги амнистия тўғрисидаги қарор билан бирга уни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом ҳам қабул қилинган. Унга кўра, амнистия тўғрисидаги акти қўллашда ошкоралик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)...

Шу ўринда жамоатчилик асосида тўзланган ишчи гуруҳнинг вазифини ва вазифаси ҳақида

тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур гуруҳ мақбул ёки айбланувчи ҳақидаги ҳужжатлар тўғрисидаги қарор, то у овоз бўлгунча қадар бўлган барча жараёнларга бевосита аралашади. Қолаверса, улар жазони ўташ муассасаларида бўлиб, мақбул билан учрашда ҳамда уларнинг шахси билан қўзғалиди.

Мазлумки, амнистия акти, энг аввало, қамқоқдаги аёлларга ва жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларга, шунингдек, 60 ёшга тўлган эркакларга ва чет эл фуқароларига таъбиқ этилади. Табиийки, бундан тўла таъминлашда жамоатчилик назорати қўл келади. Чунки юртимизда ўзини ўзи бошқариш институтлари яхши шаклланган бўлиб, улар воситасида мақбул ёки айбланувчи ҳақида янада тўлароқ маълумотга эга бўлиш мумкин.

Семинар якунида айтиб ўтилганидек, амнистия ижросида нафақат ички ишлар ва прокуратура органлари ходимлари, балки кенг жамоатчилик, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, хуллас, барча Ўзбекистонликлар четда қолмайди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қори-Нийзий номидаги Педагогика фанлари

илмий-тадқиқот институти, Республика таълим маркази ҳамкорлигида «Ўзбекистонда истиқлол йилларида халқ таълими тараққиоти ва истиқболи» маълумот илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

## ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСТИҚБОЛ

Унда халқ таълими тизими ходимлари, илгор педагоглар, мураббийлар, олимлар иштирок этди. Ўзбекистон халқ таълими вазири Ф.Шоумаров Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларидан ёш авлодни пухта билимли, мустақил фикрли, фаол фуқаролик позициясига эга баркамол шахс этиб тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкид...

сизлиги, босқинча-босқинчилик билан ҳам аҳамиятлидир. Мақтабга таълим, умумий таълим, мақтабдан ташқари таълим муассасаларида билим

жиҳати аҳолининг ижтимоий ҳимояга мувожиз қатламлари, сарфарзанд, эҳтиёжманд оилалар ўғил-қизлари, тиббий кўмак талаб этиладиган ўқув-

буён ўтган вақт мобайнида олти минг олти юздан ортиқ мақтаб барпо этилди, реконструкция қилинди, капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди,

### 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

ва кўникмалар баробарида ёш авлод қалби ва онгига шонли тарихимизга, умрбоқий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, она Ватанга муҳаббат каби эзгу ғояларни чуқур сингдиришга, фарзандларимизни фидойилик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мақтаб таълимидаги ислохотларнинг яна бир муҳим

чилири кучли ижтимоий муҳрофазалаш тамойилларига таънишда намён бўлаётди. Ўртимизда юзлаб янги мақтаблар барпо этилиб, мавжудлари тўдан қайта реконструкция қилинмоқда, капитал ва жорий таъмирдан чиқарилмоқда. Бунда, айниқса, олис ҳудудлардаги мақтабларда барча зарур шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

замонавий ўқув-лаборатория жиҳазлари, мебель ва компьютер техникаси билан таъминланди. Таълим сифатини янада юксалтиришда дарсликларнинг замон талаблари даражасида тайёрлаш, нашр этишга катта эътибор берилмоқда. Таълим тизимидаги ислохотлар жараёнида ўқитувчилар меҳнатини қадрлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, касб мала-



Нозолат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Химмат Чортоқлик хусусий тадбиркорлар — Шарифхон Ортиқов билан Раҳматилла Қурбонов янги ўқув йили бошланган кунни 48-умумтаълим мактабига даста-даста китоблар тақдим этишди.

— Ҳамқишлоқларимиз тўхфаси боис кутубхонамизда лотин алифбосида чоп этилган адабиётлар анчагина кўпайди, — дейди мактаб директори Н. Ҳайитова. — Айниқса, Фахур Ғулوم, Қуддус Мухаммадий, Пулат Мўмин каби таниқли шоирларнинг турли даврларда ёзган шеърларидан сараланган «Алифбо байрами» тўплами бошлангич синф ўқувчиларига ажойиб совға бўлди. Ҳар икки тадбиркор келтирган 200 минг сўмлик бадий китоблар орасида туманимиз ижодкорларининг қатор янги асарлари ҳам бор. Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР БУОК КЕЛАЖАГИМИЗ ЯРАТУВЧИЛАРИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

— «Рационализаторлик тақлифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар» йўналиши бўйича танловда қатнашдим, — дейди «Нуристон» академик лицейи ўқувчиси Бахтиёр Хўжақулов. — Лойиҳам «Сиқилган ҳаво ёрдамида ишлайдиган турбинали двигател» деб номланган. Кўриқнинг вилоят босқичида голиб деб топилганим келгусида лойиҳам устида янада чуқурак изланишлар олиб боришим учун имкон яратди. Биз, ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодимизни намён этиб, шундан катта имкониятлардан фойдаланишимиз, шубҳасиз, келажақда янада юксак марраларга эришишимиз учун асос бўлади.

Танлов иштирокчиларидан бири Хилола Қодирова ҳам республика босқичи йўланмасини қўлга киритди. У Ўзбекистон давлат тиллари университетида таълим олади. — Қадимий Шаҳрисабз фарзандиман, — дейди у гуруҳ билан. — Табиий бўёқлардан фойдаланган ҳолда тиккан кашталаримни танлов ҳайъатида тақдим этдим. Орзум — қадимий Кешининг миллий анъана ва қадриятлари довуғини жаҳонга танитишдир.

Ўрта Чирчиқ туманида ҳам «Келажақ овози» кўрик-танловининг Тошкент вило-



Даврон АХМАД олган сурат.

яти босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, жорий йилда мазкур танловда иштирок этиш истагидagi ёшлар сони сезиларли даражада ортди. Утган йили танловнинг вилоят босқичида 3 мингга яқин йигит-қиз қатнашган бўлса, жорий йилда 5 минг нафарга яқин ёшлар кўриқда иштирок этиш истагини билдирди. Қизгин беллашувлар остида кенгаш ушбу танловнинг вилоят босқичида эса 400 нафардан зиёд йигит-қиз ўз маҳорати ва истеъдодини синовдан ўтказди.

— Танловнинг «Ахборот-коммуникация технологиялари» йўналишида қатнашялман, — дейди Анрен компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи

ўқувчиси Даврон Раҳимов. — Республика босқичи йўланмасини қўлга киритганимдан бениҳоя хурсандман. Интернет тармоғида янги веб-дастур яратдим. Келгусида уни янада мукамаллаштириб, танловнинг якуний босқичида ҳам мўваффақият қозониш ниятїдаман.

Шунингдек, «Келажақ овози» кўрик-танловининг Фаргона, Бухоро ва Жиззах вилоятларида ўтказилган тантанали тақдирлаш маросимлари ҳам минглаб ёшларга унутилмас дамлари ҳада этди.

Бўрибой НОРҚОБИЛОВ, Омонилла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Спорт • Sport • Спорт

Ўзбекистон яна бир йирик спорт анжуманига ҳозирлик кўрмоқда. Жорий йилнинг 17-21 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида тазқондонинг ИТҒ йўналиши бўйича фахрийлар ўртасидаги ўчинчи ва ёшлар ўртасидаги саккизинчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

## ТОШКЕНТДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

— Мамлакатимиз тазқондочилари жаҳон ва қитъа миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда доимо совриндорлар сафидан жой олиб келишади, — дейди Республика тазқондо ИТҒ ассоциацияси президенти Пулат Усмонов. — Биргина шу йилнинг ўзида Қозогистоннинг Тороз шаҳри мезбонлик қилган халқаро турнирда шогирдларимиз 6 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медалига сазовор бўлдилар. Сочи (Россия)да бўлиб ўтган халқаро турнирда эса умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаб, Ватанимизга ёруғ юз билан қайтишди. Словениянинг Блед шаҳрида ташкил этилган жаҳон чемпионатида Садор Содиков ва Лаура Хўшимбетовалар бронза медали билан тақдирландилар. Ана шуларни ҳисобга олган Бутунжаҳон тазқондо ИТҒ федерацияси фахрийлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатини Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилди. Қолаверса, мамлакатимизда бу каби йирик спорт мусобақаларини ташкил этиш учун катта тажриба тўлганган. Мавжуд

спорт мажмуалари бундай йирик спорт мусобақаларини ўтказиш талабига жавоб беради. Ҳозирда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Шарқ яқинидаги мазкур жаҳон чемпионати ҳар жиҳатдан юксак савияда ўтказиш учун барча ҳозирлик ишлари кўриб қўйилди. Сунгги маълумотларга қараганда, жаҳон чемпионатида 30 дан ортиқ мамлакатдан спортчилар иштирок этиши кутилаяпти. Ёшлар ўртасида Ўзбекистон Ажибеков, Дилёрбек Эргашев, Нуриддин Пардаев, Шаҳноза Зўҳридинова, Зулфия Аҳмаджонова, Кристина Квон Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишса, фахрийлар бахсларида Убайдулла Муқаррамов, Фахриддин Умаров, Раҳматжон Тиллаев, Алишер Тўшбоев ва Ринат Султонбеков шогирдларига ўрнак бўлишади. Жаҳон чемпионатини 50 нафардан ортиқ маҳаллий ва хорижий журналист ёритиб боради. Зайдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Спартакиаданинг финал босқичи

Навоий шаҳридаги «Сугдиёна» спорт мажмуасида болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасидаги республика спартакиадасининг финал босқичи бўлиб ўтди. Ушбу спартакиадада республикамиз ҳудудларидан келган 308 спортчи мини-футбол ҳамда Алпамиш ва Барчиной тест синовлари бўйича мусобақаларда қатнашдилар. Кураш натижаларига кўра, Фаргона вилояти терма жамоасига 1-ўрин насиб этди. Тошкент шаҳри ва Навоий вилояти терма жамоалари иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритдилар. Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Хотира турнири ўтказилди

Пскент туманида белбоғли кураш устаси — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, Марказий Осиё ва Қозогистон чемпиони, мамлакатимиз миқёсидаги қатор мусобақаларнинг мутлақ голиби Нуриддин Маликов хотирасига бағишланган халқаро турнир ўтказилди. Унда ҳамюртларимиздан ташқари, қозогистонлик, тожикистонлик ва киргизистонлик 200 дан зиёд полвонлар ўзаро куч синашди. Халол беллашувларда омад мезбонларга қўлиб боқиб, терма жамоамиз биринчи ўринни эгаллади. Абдунаби ХАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**Kichik biznes — yuksak g'urur!**

«TADBIRKOR» TARIF REJASI

Barcha kirish qo'ng'iroqlari	\$0
Chiqish qo'ng'iroqlari (Bir daqiqa narxi)	\$0
Guruh ichidagi	\$0
Tarmoq ichidagi	\$0.02
O'zbekiston bo'yicha	\$0.02
SMS (chiqish SMS narxi)	\$0.01
Tarmoq ichida	\$0.02
O'zbekiston bo'yicha	\$0.02
Oylik abonent to'lovi	\$4

Agar siz yuridik shaxs, (korxonaga yoki kompaniya ishchisi yoki rahbari, shuningdek, xususiy tadbirkor yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchiligiga binoan ro'yxatdan o'tgan shaxsiy kompaniya egasi bo'lsangiz, bizning korporativ mijozimiz bo'lishingiz mumkin.

**cell**  
YANADA KO'PROG'INI KUTING

**Халқ сўзи**  
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 27380 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

1-Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов. Навбатчи — Қ. Халидов. Мусаҳҳах — Ҳ. Топхўжаев.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6 7